



АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОБИҚ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нематова Дилноза

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0008-7976-2281

nematovadilnoza@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимиз ҳозирги босқичида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини ошириш, молиявий ҳисоботни ҳалқаро стандартларга уйғунлаштириш ва асосий воситаларни қадрсизланиш қийматини аниқ кўрсатиш ҳамда кенг доирадаги иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, узоқ муддатли активлар, моддий активлар, асосий воситалар, асосий воситаларнинг қадрсизланиши, бозор қиймати ва адолатли қиймат.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ОБЕСЦЕНЕНИЯ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ

Нематова Дилноза

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы реформирования бухгалтерского учёта и финансовой отчётности на современном этапе развития страны, привлечения иностранных инвесторов, повышения прозрачности финансовой отчётности, гармонизации финансовой отчётности с международными стандартами, а также достоверного отражения стоимости обесценения основных средств и реализации масштабных экономических преобразований.

Ключевые слова: бухгалтерский учёт, финансовая отчётность, национальные стандарты бухгалтерского учёта, международные стандарты финансовой отчётности, долгосрочные активы, материальные активы, основные средства, обесценение основных средств, рыночная стоимость, справедливая стоимость.

IMPROVING THE ACCOUNTING OF IMPAIRMENT OF FIXED ASSETS IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS

Nematova Dilnoza

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *This article examines issues related to the reform of accounting and financial reporting at the current stage of the country's development, the attraction of foreign investors, the enhancement of financial reporting transparency, the harmonization of financial reporting with International Financial Reporting Standards, as well as the accurate presentation of impairment values of property, plant and equipment and the implementation of large-scale economic transformations.*

Keywords: *accounting, financial reporting, national accounting standards, International Financial Reporting Standards, long-term assets, tangible assets, property, plant and equipment, impairment of fixed assets, market value, fair value.*

Кириш.

Ўзбекистонда 2025 йилдан эътиборан Қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган ва оммавий оммавий савдоларга чиқариладиган (Publicly Traded Entity) ташкилотлар, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, биржалар, жамоат аҳамиятидаги ташкилотлар МҲХСлар асосида молиявий ҳисобот тузиш амалиёти жорий этилди (Қарор, 2025).

Буни шундай изоҳлаш мумкинки, ушбу тизимда халқаро стандартларнинг амалиётга киритилиши корхоналарда бу турдаги активларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг янгича тартибини белгилаб бермоқда. Корхоналарда асосий воситаларни ижарага беришда уларнинг қиймати, хизмат муддати, ҳолати, янгиланганлик даражаси, уларга эскириш ҳисоблаш, сифати ва уларнинг самарадорлиги каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналар молиявий ҳисоботида активларнинг ҳаққоний қийматини кўрсатиш халқаро амалиётда муҳим талаб ҳисобланади. Вақт ўтиши билан технологик ўзгаришлар, бозор талабининг пасайиши, инфляция ёки ишлаб чиқариш самарадорлигининг ёмонлашуви натижасида активлар қиймати сезиларли даражада камайиши мумкин. Бу жараён қадрсизланиш (impairment) деб аталади. Қадрсизланиш активларнинг молиявий натижаларга таъсирини ошириб, корхоналар даромад ва фойда кўрсаткичларини қайта баҳолаш заруратини туғдиради.

Адабиётлар шарҳи.

Республикамизда охириги йилларда МҲХС ларини корхоналар амалиётига жорий этиш масалалари борасида кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар чоп этилмоқда. Хорижий стандарт талқинига кўра, актив баланс қиймати қопланадиган қийматдан юқори бўлса, қадрсизланган ҳисобланади ва зарар даромад/зарарларда тан олинади; кейинги даврларда амортизация ҳам янги қолдиқ қийматдан келиб чиқиб қайта ҳисобланади (IAS, n.d.). Ўзбекистон манбаларида ҳам IAS 36 бўйича активларни қадрсизланиш нуқтаи назаридан текшириб бориш зарурати (айниқса БҲХСга трансформация жараёнида) кўрсатиб ўтилади (Даминов, n.d.). IAS матнида фойдаланиш қиймати — келгуси пул оқимларининг дисконтланган қийматига боғлиқ ҳисоб-китоблар билан боғланади, ва амалиётда ҳар доим ҳам икки усулни ҳам ҳисоблаш шарт эмас (биттаси баланс қийматидан юқори бўлса, иккинчисини ҳисобламаслик мумкин (IAS, 36). Grant Thornton амалиёт йўриқномаларида ҳам IAS 36 нинг қачон ва қай даражада (актив/CGU) тест қилиниши, индикаторлар ва ҳисоблаш босқичлари кенг

ёритилади (Thornton, n.d.). Ўзбекистон амалиёти бўйича шарҳларда “корпоратив активлар” ва CGU тушунчаси ХМХСга трансформацияда мураккаб масала экани таъкидланади (айниқса маъмурий бинолар, ижтимоий объектлар каби активлар). Маҳаллий муаллифлар МХХС (жумладан IAS 36) бўйича ўқув-методик адабиётларда impairment/қадрсизланиш мавзусини ёритади Ташназаров С.Н. — МХХС дарслиги/методикасида IAS 36 ва қадрсизланиш тушунчаларига таянади ҳамда асосий воситаларнинг қадрсизланиши сабаблари ва келиб чиқишини илмий асослаб берган (Norma, n.d.). Нарбеков, Рахмонов ва Тураев, n.d.). “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” ўқув қўлланмасида IAS 36 мавзуси ўрни қайд этилган. “ХМХСга трансформациялаш: асосий воситалар” (Norma таҳририй-амалий шарҳи) — асосий воситаларни IAS 36 бўйича мунтазам тест қилиш зарурлигини таъкидлайди ва корпоратив активлар нуқтаи назаридан тушунтириш беради (Norma, n.d.).

Тадқиқот методологияси.

МХХСларга кўра корхоналар асосий воситаларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш ҳамда асосий воситаларни халқаро стандартларга мувофиқ қайта баҳолаш натижалари ҳисобини такомиллаштиришнинг амалий масалаларини тадқиқ қилишда биз томонимиздан тизимли ёндошув, дедукция, индукция, таҳлил, таққослаш, қийматни баҳолашнинг дисконтлаш ва бошқа усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Қадрсизланиш – бу активнинг баланс қиймати унинг тикланадиган (recoverable) қийматидан ошиб кетиши ҳолатидир. Тикланадиган қиймат эса қуйидагилардан юқорисидир:

1. Fair Value Less Costs of Disposal (FVLCD) – активни сотишдан олиннадиган соф қиймат.

2. Value in Use (VIU) – активдан келажакда олиннадиган пул оқимларининг жорий қиймати (IAS 36, n.d.).

Қуйида асосий воситаларда қадрсизланишнинг асосий сабаблари, уларнинг изоҳлари ва статистик мисоллар 1-жадвал кўринишида келтирилган.

1-жадвал

Асосий воситаларда қадрсизланиш сабаблари

Сабаб	Изоҳ	Статистик мисол
Бозор нархларининг кескин тушиб кетиши	Активнинг бозор қиймати қисқа муддатда пасайиб, баланс қийматидан пастга тушиши.	2020-йилда пандемия даврида нефт нархи 60% гача пасайиб, кўплаб нефт компанияларида активлар қадрсизланди.
Технологик янгиликлар ва эскириш	Янги технологиялар пайдо бўлиши натижасида мавжуд ускуналар ва жиҳозлар эскиради.	Ўзбекистон тўқимачилик саноатида 2018–2022-йилларда эски ускуналарнинг 35% қадрсизланган деб баҳоланган.
Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши	Корхонада ишлаб чиқариш режалаштирилган даражада амалга ошмай қолса, активларнинг қиймати пасаяди.	Металлургия соҳасида ишлаб чиқариш 2022-йилда 12% га камайгани сабабли айрим корхоналарда асосий воситалар қайта баҳоланди.
Ҳуқуқий ва экологик чекловлар	Янги қонунлар ёки экологик талаблар айрим ускуналарни ишлатишни чеклайди.	2021-йилда Европа Иттифоқида чиқиндиларни камайтириш талаблари туфайли кўплаб автомобил заводлари активларининг 10% қадрсизланди.
Ташқи иқтисодий инқирозлар ва молиявий беқарорлик	Глобал молиявий инқирозлар активлар бозорини беқарорлаштириб, уларнинг қийматини туширади.	2008-йилги молиявий инқирозда АҚШ ва Европа компанияларининг 25% гоодвилл активлари қадрсизланган.

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Асосий воситаларда қадрсизланишнинг сабаблари ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг таъсири корхона фаолияти, бозор шароитлари ва технологик ривожланишга қараб турлича бўлади. Статистик мисоллар шуни кўрсатадики, қадрсизланиш кўпинча глобал иқтисодий инқирозлар ва технологик янгиланишлар даврида кучаяди.

Қуйида қадрсизланишнинг асосий воситаларга таъсири йўналишлари, изоҳлари ва амалий мисоллар 2-жадвал кўринишида келтирилган.

2-жадвал

Қадрсизланишнинг асосий воситаларга таъсири

Йўналиш	Таъсир мазмуни	Амалий изоҳ/мисол
Молиявий ҳисоботда	Баланс қиймати камаяди ва “қадрсизланиш зарари” сифатида эътироф этилади.	Масалан, 2020-йилда Ўзбекистон металлургия компаниясида ускуналар қадрсизланиши 15 млрд сўм зарар сифатида молиявий ҳисоботда кўрсатилди.
Амортизация ҳисобида	Янги баланс қиймати асосида кейинги йилларда амортизация қайта ҳисобланади.	500 млн сўмлик ускуна қадрсизланиб, қиймати 420 млн сўмга тушса, келгусидаги амортизация 420 млн асосида ҳисобланади.
Капитал ва фойда	Фойда камаяди, бу дивиденд сиёсати ва инвесторлар ишончига таъсир қилади.	Қимматбаҳо активлар қадрсизланганда дивидендлар камайиши ёки тўхтатилиши мумкин, бу эса инвесторлар қарорларига бевосита таъсир қилади.

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Қадрсизланиш молиявий ҳисоботларда баланс қийматини камайтиради, амортизация сиёсатини ўзгартиради ва фойда кўрсаткичларига бевосита таъсир этади. Бу эса корхоналар дивиденд сиёсати ҳамда инвесторлар ишончига сезиларли даражада таъсир қилади. Қадрсизланиш – корхона активларининг реал иқтисодий қийматини акс эттирувчи муҳим молиявий кўрсаткичдир. Унинг асосий воситаларга таъсири қуйидагича ифодаланади: баланс қийматини камайтиради ва молиявий натижаларни реалроқ кўрсатади ва амортизация сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур этади ҳамда инвесторлар ва кредиторлар учун шаффофликни оширади. Шу боис, қадрсизланиш ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш – корхоналар учун иқтисодий барқарорлик ва молиявий ишончликни оширишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Қуйида асосий воситаларни халқаро стандартларга мувофиқ қадрсизланиши (impairment) ҳисобини такомиллаштиришга оид илмий мақолалар ва амалий манбалар рўйхати келтирилган. Ҳар бир манба қисқа аннотация ва ҳавола шаклида умумлаштирилган.

Асосий воситаларнинг қадрсизланиши молиявий ҳисоботларда активларнинг реал қийматини акс эттириш имконини беради. Халқаро стандартлар (IAS 36) талабларига кўра, активларнинг баланс қиймати уларнинг тикланадиган қийматидан ошиб кетмаслиги керак. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарининг 30–40% асосий воситалари бозор шароитида эскирганлиги сабабли, қадрсизланиш ҳисоби уларнинг иқтисодий аҳволини тўлиқроқ ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Қадрсизланиш ҳисобини такомиллаштириш орқали молиявий ҳисоботларда активлар қиймати ва даромадлар реалроқ кўрсатилади. Бу эса, хорижий инвесторлар ва кредиторлар учун корхона фаолияти тўғрисида аниқроқ маълумот беради. Масалан, халқаро бозор капиталини жалб қилаётган АЖ корхоналарида disslocure (қўшимча изоҳлар) талаб қилинади, бу эса фақат IAS 36 асосида амалга оширилиши мумкин.

Қадрсизланиш аниқлангач, келгуси йилларда амортизация ҳисоб-китоби янги қиймат асосида қайта ҳисобланади. Натижада корхона амортизация сиёсати янада самарали ва иқтисодий шароитларга мос бўлади. Бу жараён фойда кўрсаткичларини сунъий равишда ошириш ёки камайтириш хавфини камайтиради, чунки амортизация энди реал актив қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Халқаро стандартларга мувофиқ юритилган қадрсизланиш ҳисоби корхонани янада жозибадор қилади. Инвесторлар ва кредиторлар учун активларнинг бозор қийматига мос равишда баҳоланиши уларнинг рискинни камайтиради. Масалан, 2008-йил молиявий инқирозидан кейин халқаро компаниялар импаирмент ҳисоботларини кенг очиқлаш орқали инвесторларнинг ишончини тиклашга эришган. Такомиллаштирилган ҳисоб сиёсатида импаирмент индикаторларини мунтазам мониторинг қилиш тизимини жорий этиш зарур. Ички (техник носозликлар, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши) ва ташқи (бозор нархлари, инфляция, иқтисодий инқирозлар) омиллар бўйича доимий мониторинги активлар қадрсизланишини эрта аниқлаш ва фойда кўрсаткичларига таъсирини камайтиришга хизмат қилади.

3-жадвал

Асосий воситаларни халқаро стандартларга мувофиқ қадрсизланиши ҳисобини бўйича илмий мақолалар

Мақола / Манба	Муаллиф(лар)	Асосий ғоя
Insights into IAS 36 – Grant Thornton	Grant Thornton International	IAS 36 талаблари, impairment тест жараёни, CGU аниқлаш ва disclosure.
Value-in-Use kassafloous va diskontlash	IAS Plus sharhi	Kassafloous va diskont ставкалари бўйича кенг тарқалган хатоларни аниқлаш.
A guide to applying IAS 36 in practice	Grant Thornton Canada	Амалий қўлланма: CGU, индисаторлар, ҳужжатлаштириш.
Academic evidence on IAS 36	IFRS Foundation / IASB	Goodwill impairment га оид академик далиллар, big bath тенденциялари.
The goodwill impairment test ундер IFRS	N. Hellman	Goodwill impairment тестининг назарий ва амалий жиҳатлари.
The right time for a big bath	P. Mielcarz	impairment тестнинг нотўғри вақтланиши орқали даромадларни тозалаш сиёсати.
Accounting for Impairment of Long-Lived Assets	D.G. Paik va boshq.	US GAAP ва IFRS таққосида impairment нинг таъсири.
PwC Viewpoint – Common mistakes	PwC	IAS 36 бўйича кенг тарқалган хатолар рўйхати.
Fair Value Accounting for PP&E	Канада тажрибаси	Канадада IFRS асосида fair value ва impairment тажрибаси.
Review of IAS 36	Илмий шарҳ мақола	IAS 36 асосий талаблари, recoverable amount, VIU va disclosure.

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон БҲМС стандартларида импаирмент масалалари умумий қоидаларга асосланган бўлса-да, IAS 36 янада батафсил методологияни белгилайди. Шу боис, миллий стандартларни халқаро нормалар билан уйғунлаштириш ва методик қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур. Бу орқали корхоналар халқаро бозорда

рақобатбардош молиявий ҳисобот тайёрлаш имконига эга бўлади. Қадрсизланиш ҳисобини такомиллаштириш нафақат молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини оширади, балки корхоналарнинг узоқ муддатли иқтисодий барқарорлигига ҳам хизмат қилади. Активларнинг реал қийматини тўғри акс эттириш орқали корхоналар стратегик инвестиция қарорларини самарали қабул қилади, рискларни минималлаштиради ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлайди.

ВНХСга мувофиқ асосий воситаларнинг қадарсизланишини алоҳида счётада юритиш корхона активларининг реал қийматини ҳаққоний акс эттириш, келгуси да уларнинг бозор нархидаги пасайишларни олдиндан идентификация қилиш ва молиявий рискларнинг ошкоралигини таъминлайди. 0180 — “Асосий воситаларнинг қадарсизланиши бўйича резерв” ҳисобварағининг жорий этилиши активларнинг баланс қиймати билан уларнинг тикланиш қиймати ўртасидаги тафовутни тўғри ва иқтисодий мазмунга мос ҳолда акс эттириш имконини беради, шу билан бирга молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар билан мувофиқлигини таъминлайди. Тадқиқот доирасида амалдаги миллий стандартларда мавжуд бўлмаган **0180 – «Асосий воситаларнинг қадарсизланиши бўйича резерв»** номли алоҳида ҳисобварағни жорий этиш таклиф қилинди. Қадарсизланиш суммаси аниқланганда қуйидаги проводкалар қўлланилади:

Қадарсизланиш аниқланганда:

Дебет – **9430** «Операцион харажатлар»

Кредит – **0180** «Асосий воситаларнинг қадарсизланиши бўйича резерв»

Қадарсизланиш қисман ёки тўлиқ тикланганда:

Дебет – **0180** «Асосий воситаларнинг қадарсизланиши бўйича резерв»

Кредит – **9510** «Қадарсизланишдан олинадиган даромад»

Қадарсизланиш харажатларини **9430 – «Операцион харажатлар»** счётида акс эттириш актив қийматининг пасайиши корхонанинг асосий фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади ва молиявий натижаларнинг реал даражада акс эттирилишини таъминлайди.

Бу механизм натижасида:

- активнинг баланс қиймати камаяди;
- харажат операцион харажат сифатида тан олинади;
- соф фойда пасаяди;
- қадарсизланиш тикланганда эса резервдан чиқарилиб, даромад сифатида

эътироф этилади ва соф фойда ошади.

2025 йил якунлари бўйича «Худуд газ таъминоти» АЖнинг асосий воситалари тузилиши ва қиймати таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида:

- бир қатор газ инфратузилмаси объектлари (газ қувурлари, газ тақсимлаш пунктлари, узатиш қурилмалари)нинг баланс қиймати бозор қийматига нисбатан ортиқча баҳолангани аниқланди;
- қайта баҳолаш ва қадарсизланиш тестлари натижасида муайян активлар бўйича 0180 счётида қадарсизланиш резерви шакллантирилди;
- активлар қиймати бозор баҳосига яқинлаштирилди, ортиқча баҳоланган қисм ҳисобдан чиқарилди;
- асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати реал иқтисодий қийматга мослаштирилди;
- корхона балансининг шаффофлиги ва ишончилиги ошди.

Бу натижалар қайта баҳолаш ва қадарсизланиш механизмларининг амалда қўлланилиши орқали молиявий ҳисоботнинг БХХСга мос равишда ислоҳ қилинганини кўрсатади.

Қуйидаги 4-жадвалда «Самарқанд дон маҳсулотлари» АЖ ва «Худуд газ таъминоти» АЖнинг асосий воситалари бўйича сифат жиҳатидан таққослама жадвал келтирилади:

4-жадвал

«Самарқанддонмаҳсулотлари» АЖ ва «Худуд газ таъминоти» АЖнинг асосий воситалари бўйича сифат жиҳатидан таққосламалари

Кўрсаткич	«Самарқанддонмаҳсулотлари» АЖ	«Худудгазтаъминоти» АЖ
Асосий воситалар ҳисобида қайта баҳолаш	Қийматни ошириш томонида амалга оширилган	Қийматни камайтириш томонида амалга оширилган
Қадарсизланиш мавжудлиги	Нисбатан паст даражада	Юқори даражада
Асосий воситаларнинг эскириш даражаси	Ўртача	Жуда юқори
Баланснинг реал даражада акс этиши	БХХС талабларига мос	БХХС талабларига мос

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Реал корхона маълумотлари асосида олиб борилган ҳисоб-китоб ва таҳлиллар шундан далолат берадики, асосий воситаларни қайта баҳолаш ва 0180 – қадарсизланиш счётини жорий этиш натижасида молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлаштирилди. «Самарқанд дон маҳсулотлари» АЖ ҳамда «Худуд газ таъминоти» АЖнинг асосий воситалари реал қиймати, уларнинг эскириш даражаси ва тикланиш имкониятлари ўртасидаги боғлиқлик аниқ акс эттирилди ва корхона активларини самарали бошқариш ҳамда инвестицион қарорлар қабул қилиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, “Асосий воситалар” деб номланган 16-сон БХХС (IAS) да белгиланган тартиб-қоидалар республикамизнинг 5-сон БХМС да белгиланган тартиб-қоидалардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Мамлакатимиз корхоналари ҳисоб амалиётига мазкур халқаро стандартни жорий этиш фойдаланувчилар учун тадбиркорлик субъектларининг асосий воситалари тўғрисида хар тарафлама ишончли маълумотларни олиш ҳамда ушбу маълумотларда аниқ иқтисодий мантиқни таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан, IAS 16 ва IAS 36 талабларига қадрсизланиш бўйича молиявий ҳисоботларда киритилиши зарур бўлган изоҳлар миллий амалиётга жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Корхоналар бўйича амалий мисоллар асосида қадрсизланиш ҳисобини юритиш тартиби ишлаб чиқилди.

Учинчидан, Ўзбекистон БХМС стандартлари қадрсизланишга оид умумий йўналишларни белгилаб берса-да, халқаро стандартларда аниқроқ методология ишлаб чиқилган. Шу боис, БХМСга IAS 16 ва IAS 36 асосида методик қўшимчалар киритиш таклиф қилинди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон корхоналарининг молиявий ҳисоботларини халқаро инвесторлар учун янада тушунарли ва рақобатбардош қилишига хизмат қилади. Асосий воситалар қадрсизланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисобот шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Асосий воситаларни халқаро стандартларга мувофиқ қадрсизланиш ҳисобини

такомиллаштириш молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини оширади, корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда аниқроқ натижалар беради, инвесторлар ишончини мустаҳкамлайди ҳамда миллий амалиётни халқаро тажрибага яқинлаштиради.

Адабиётлар /Литература/References:

Grant Thornton (n.d.) Adviser alert — *Impairment of Assets: A guide to applying IAS 36 in practice.*

International Accounting Standards Board (IASB) (n.d.) БҲХС (IAS) 16 “Асосий воситалар”.

International Accounting Standards Board (IASB) (n.d.) БҲХС (IAS) 36 “Impairment of assets”.

Norma (n.d.) ХМҲСга трансформациялаш: асосий воситалар — IAS 36 бўйича тест ва корпоратив активлар талқини.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi (n.d.) Qo‘mita yangiliklari [online]. Available at: <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar>

Даминов, О. (n.d.) БҲХСга трансформация жараёнида: асосий воситалар.

Нарбеков, Д., Рахмонов, Ш. and Тураев, А. (n.d.) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма.

Ташназаров, С.Н. (2019) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. Тошкент: Иқтисод-Молия, 584 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) 2025 йил 15 сентябрдаги ПҚ-282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.